

**Тошкент давлат шаръшунослик институти
Шаръ филологияси ва тарих факультети
Мумтоз филология кафедраси**

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ТУЮ
мавзусидаги**

REFERAT

Бажарди: Мумтоз филология бўлими
4-босқич толиби Алимухамедов Рихситилла

Тошкент-2011

Туркий адабиётга аруз вазнининг кириб келиши туркий халқларнинг шеъриятидаги катта ўзгаришларга олиб келди. Туюқнинг келиб чиқиши узоқ даврларга бориб таъалади. Айрим фикрларга таянадиган бўлсак, туюқ халқ оёзаки ижодидаги маъни, баёти, ўйи, лола, ўлан каби тўртликлардан ўсиб чиққан дейилади. Бундай тўртликлар форс-тожик адабиётида тарона, дубайтий, пахлавият; русларда катрен, частушкалар; немисларда шнадерхупфел, малайзияликларда пантун деб аталади. Тузилишига кўра ушбу жанрлар тўртликка асосланади. Лекин ҳар бирининг ўз ишлатилиш ўрни мавжуд. Масалан: руслардаги частушкалар 19 аср охирида вужудга келган бўлиб, азил-мутойиба сифатидаги тўртликлардан ташкил топади. Илк частушкаларни ким айтганини ҳеч ким билмайли, лекин уни “рус халқи яратган” дейишади.

"Частушка" сўзини биринчи бўлиб фанда рус публицист-ёзувчиси Глеб Иванович Успенский ўллаган. Авваллари частушкалар йигитлар томонидан қизларга куйланадиган ўйи бўлган. Қозирда уларнинг ўлланилиш тематикаси кенгайган, сиёсат, уруш, ишлоқ баёти ва қозақо мавзуларда мавжуддир. Қозирла частушка рус халқининг энг кенг тарқалган халқ оёзаки ижоди жанрларидан қисобланади.

Шундай жанрлардан бири пантум ҳам малайзия халқ шеъриятидан саналади.

Бевосита туркий адабиётга қайтадиган бўлсак, тўртлик шаклдаги халқ ўйи-лари машҳур бўлган. Туюқни ҳам ушбу тўртликлар негизида вужудга келган деган қараш мавжуд. Илк халқ туюқларни биз Маҳмуд Қошқарийнинг “Девону луғати-т-турк”ида, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида ҳам учратишимиз мумкин.

Қаю эрда бўлса ўйи-иш бирла ўг,
Ани эр атагил неча ўгса ўг.
Ўқуш ўг билиг кимда бўлса тугал,
Явуз эрса қаз тў қичиг эрса ўг.¹

И. В. Стеблеванинг фикрича «Девону луғати-т-турк»даги халқ туюқлари рамали мураббаи маҳсур вазнида экан.

Лекин бу биз билган туюқнинг ўзигина эмас.

Туюқ туркий халқлар ёзма адабиётига ҳос жанрлардан бири бўлиб, узоқ даврлардан бери шаклланиб келган. Туюқ – бевосита туркий адабиётда шаклланиб, қатъий рамали мусаддаси маҳсур (фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ёзиладиган, тўрт мисрадан иборат бўлган, мисра охирида радифлар омоним сўзлардан иборат бўлган шеър. Бу жанр сўз ўйинига таянади, у тажнисни қозфия қилиб келтириш асосида яратилади. “Туюқ” соф туркча сўз бўлиб, “ечилмайдиган қилиб туймоқ”, “қизгаллаштирмоқ” маъноларини англатади.² Адабиётшунос ва шарҳшунос олимларнинг фикрига кўра, туюқ жанрининг мумтоз шеърият талабларига мос келувчи илк намуналари озарбайжонлик қозии Бурқониддин Аҳмад Сивасий (1344-1398) қаламига

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билик”. Тошкент, 1964.

² Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Н. Қотамов, Б. Саримсолов. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент, 1983. 334-335 бетлар.

мансубдир.³ Туюқ жанри Ҳафизиди илк илмий Ҳафизларни биз Алишер Навоийнинг “Мезон-ул авзон”асарида келади: “Яна турк улуси, батахсис чиқатой халқи аро шойиъ авзондурким, алар сурудларни ул вазн била ясаб, мажолисда айтурлар. Бириси “туюқ”дурким, икки байтқа муқаррардур ва саъй қилурларким, тажнис айтилмай ва ул рамали мусаддаси мақсурдир...”. Яъни хулоса қиладиган бўлсак, туюқ 4 мисрали, тажнисли бўлишлиги ва вазни Ҳафизий рамали мусаддаси мақсур (фоилотун, фоилотун, фоилун) эканлигини таъкилдайди.

Синди кўнглум шишаси Ҳам тошидин,
 Ҳон сироят қилди ичу тошидин
 ФОИЛОТУН ФОИЛОТУН ФОИЛУН
 Ҳуррам сен Ҳам вафосизлар бикин
 Бўлмамайсан ичи куфри тошидин.
 ФОИЛОТУН ФОИЛОТУН ФОИЛУН

Навоий туюқ Ҳафизиди фикрини “Муқокаматул луғатайн” асарида аниқлаштириб, қуйидагича ёзади:

Чун парию Ҳурдур **отинг бегим**,
Суръат ичра дев эрур **отинг бегим**.
 Ҳар хадангеким улус андин Ҳочар
Нотавон жоним сари **отинг бегим**.

“... бу икки байтки, тажниси томдур, Ҳам турк шуароси Ҳоссасидурки, ... муни туюқ дерлар”⁴. Яъни бу ерда у туюқни туркий адабиётга хос эканлигини айтмоқда.

Шу ўринда Навоийнинг “Хайрат-ул аброр” достонидан олинган ушбу байтга Ҳаратиш ўринлидир:

Англамайин сўзда туюқ бақрини,
 Ҳайси туюқ, балки Ҳўши бақрини.
Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маъни-ю адо нодуруст.⁵

Бобур Ҳам ўзининг “Мухтасар” асарида Навоийнинг аруз Ҳафизиди фикрларини тўлдиради. Унинг фикрича туюқ тузилишига кўра икки турга: тажнисли ва тажниссизга бўлинади. Тажнисли туюқ Ҳам бир неча кўринишда бўлади: тажниснинг мисра охирига келишини назарда тутди. Яъни тажнис асосан 1,2 ва 4 мисраларида келиши кузатилади. Лекин у Ҳар тўртта мисрада тажнис келишига:

Васлдин сўз дерга йўқ **ёро, манга**,
 Ҳажр аро рақам айлагил **ёро манга**.
Ўунг этти кўп ёмон **ёро манга**,
Марқами лутфинг била **ёро манга**.

³ Т. М. Мелиоранский. Отрывки из дивана Ахмеда Бурханиддина Сивасского (В кн. “Восточные заметки”, СПб, 1895 г., стр. 131-151; “Озарбайжон адабиёти тарихи”, Боку, 1960. 225-бет.)

⁴ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том, 179-бет.

⁵ Алишер Навоий. “Хайрат-ул аброр”. VI том. Тошкент, 1965 йил. 267-бет.

2 ва 4-мисраларида тажнис келишига мисоллар келтиради:

Берма дерла ул вафосизга кўнгул,
Ким анинг нушига орти **неши бор**.
Мен тамаъ узмасмен ўлсам лаълидин,
Жон менинг жонимдир элнинг **неши бор**.

Бундан кўриниб турибдики, ўша даврлардаёқ туюқ ақида назарий маълумотлар мавжуд экан. Энди “туюқ” атамасига тўхталадиган бўлсак, унинг жанр атамаси сифатида ўқилган бошланиш даври XIV асрнинг охири ва XV асрларга тўғри келади.⁶ Туюқ ама арузнинг бошқа жанрлари: тўртлик, рубоий, битъа сингари ўз вазни, мавзуси мавжуддир. Юқорида айтиб ўтилганидек, туюқ атий рамали мусаддаси масур (фоилотун, фоилотун, фоилун) вазнида ёзилади. Ундаги асосий мавзу ар турли: яъни севги, садоат, висол умиди, аёт завқи, табиат васфи, мардлик, жасурлик, ижтимоий соаларда ёзилган.

Форс-тожик адабиётида ама туюқа ўхшаш тажниси мураккаб шеърлар мавжуд бўлишига арамай улар туюқ эмас. Масалан XIII-XIV асрларда яшаб, ижод этган олим ва шоир Али бинни Муаммад Тож ал-алавий ўзининг “Даойи-уш-шеър” номли рисоласида тажниси мураккабга уйдаги мисолни келтиради:

ای بت بسر مسیح اگر ترسای
باید که بنزدما تویی ترس ای
یا چشم گرم بآستین خشک کنی
یا بر لت خشک من لب ترسای⁷

Бу ерда ترسای тажнис бўлиб, 4 мисрали туюқни эслатса ама, рамали мусаддаси масур вазнига риоя қилинмагани бу шеърни туюқ эмаслигидан далолат беради. Туюқнинг айнан туркий адабиётда мавжудлигини Навоийнинг “Муокамотул луатайн” асарида келтирган мисоллари, яъни туркий тилларнинг омоним сўзларга бойлиги билан исботлаш мумкин. “Муокамотул луатайн”да туркий тилнинг имкониятлари очиб берилган. Шунинг учун ама туюқ туркий адабиётда ривожланиб, чўққига эришди¹¹.

Туюқнинг вужудга келиши тўғрисида туркшунос олим А. Н. Самойлович уйдагича ёзади: “... Окончателное решение вопроса о судьбах литературного туюга станет возможным тогда, когда будет пролит свет на раннее эпохи среднеазиатско-турецкой и малоазиатско-турецкой литератур мусулманского периода и на взаимоотношения этих двух литератур”⁶ Самойлович биринчилардан бўлиб Лутфий туюқларини рус тилига таржима қилади ва оригиналда ама эълон қилади.

Тадқиқотчи Акиф Багировнинг таъкидлашича, туюқни ўрганган олимларнинг кўпчилиги унда омонимларнинг ишлатилишини асосий

⁶ Лирикада кичик жанрлар. Раҳмонул Орзибеков. . улом нашриёти, Тошкент, 1976. 91-бет.

⁷ Б. Валихўжаев. “Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ”. Адабий мерос. Тошкент, 1973 йил. 148-151 бетлар.

белгиловчи омил сифатида ʻарашлари у ʻадар тўри хулоса эмас.⁸ Чунки Навоий ўзининг “Мезон-ул авзон” асарида таъкидлашича: “...саъй ʻилурларким, тажнис айтилʻай...”, - яъни, “тажнис бўлиши учун ʻаракат ʻиладилар” дейди. Демак, бундан шундай хулосага келсак бўладики, тую ʻатъий омонимларга таянмас экан, унда омонимларнинг ишлатилиши шоирнинг маʻорати, ёки бўлмасам ёзилажак тую ʻнинг мавзусига боʻли ʻ бўлиши мумкин. Чунки Бобур “Мухтасар” асарида тую ʻнинг тажниссиз шакллари ʻаʻида ʻам маълумот беради. Чунончи унда тую ʻнинг тажнисли ва тажниссиз турлари борлигини, тую ʻнинг мўʻул хонлари ʻамда турк султонлари адабий мажлисларида кўпро ʻ айтилишини хабар беради. У тую ʻнинг асосий туридан ташʻари унинг яна олти турини санаб ўтади, уларнинг ʻар бирини тую ʻ навис шоирлар ижодидан олинган мисоллар орʻали тасди ʻлайди.

«О происхождении турецких четверостиший из персидских не может быть и речь; зато влияние турецкое на происхождении рубаи возможно. За эту гипотезу говорят те условия, в которых зараждалась новоперсидская поэзия», - Линин А.К. «К вопросам формальных изучения турецких народов».

Олимларнинг фикрича фольклор тўртлик жанр шакли араб ва форс тўртликларидан анча ʻадимийроқдир. Тую ʻ М. Ю. Кўпрулуниги фикрича Иро ʻнинг Эрон ʻисмида, Озарбайжонда ёки Хоразмда пайдо бўлган деган. Х.Г. Кўрў ʻли тую ʻни Хоразмда пайдо бўлган тахминни беради. Унинг фикрича тую ʻ хал ʻ о ʻзаки ижоди туркий ва эронийларнинг бир-бирларига синтези натижасида юзага келган деган фикрни беради.

Тую ʻнинг гуллаб, ривожланган ва ʻти IV – XV асрларга тўри келади.

Б. Валихўжаев ўзининг «Навоий ва унинг замондошлари талʻинида тую ʻ» номли маʻоласида Бобурнинг «Рисолаи аруз» асарига таяниб, Лутфийнинг тажниссиз тўртликларига фикрини ʻаратади. У тажниссиз тую ʻ ʻам бўлиши мумкин деган хулосани ўртага ташлайди ва буни ўрганиш кераклигини у ʻтиради.

Улу ʻ ватан урушининг энг ʻизиган бир пайти – 1942 йил октябр ойида соби ʻ ўзбек совет жангчиларини гитлерчи бос ʻинчиларга ʻарши курашда ʻа ʻрамонликка, ʻўр ʻо ʻларга шаф ʻат ʻилмасликка ча ʻирибўзбек хал ʻи номидан ёзилган мактубда “Мажолисун нафоис”дан ʻуйидаги тую ʻ келтирилган эди:

Эр керак ўртанса, ёнса ёлина,
Ёраб еб ётса отининг ёлина.
Ит ўлурми бирла ўлсун номурод,
Эр отониб душмани ʻа ёлина.⁹

⁸ “Туюг в тюркоязычной поэзии”(Формирование и развитие жанра). Багиров Акиф Зейнал оглы. ҚД. Ташкент, 1982.

⁹ “Ўзбек хал ʻининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб”, “Ї изил Ўзбекистон” газетаси, 1942, 22 октябр.

Туюқ тарихи ва тараққиёти Ҳаёида ўтмишда Алишер Навоий, Бобур, рус шарҳшунослигида А. Н. Самойлович, Т. И. Мелиоранский, турк олими Ф. Кўпрулузода, рус олимларидан Е. Э. Бертельс, И. В. Стеблева, М. Ҳамроев, Б. Валихўжаевлар тадқиқ этганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф Хос Ҳожиб. “Ҳо утад”у билик”. Тошкент, 1964.
2. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луҳати. Н. Ҳотамов, Б. Саримсоҳов. “Ўқитувчи” нашриёти. Тошкент, 1983. 334-335 бетлар.
3. Т. М. Мелиоранский. Отрывки из дивана Ахмеда Бурханиддина Сивасского (В кн. “Восточные заметки”, СПб, 1895 г., стр. 131-151; “Озарбайжон адабиёти тарихи”, Боку, 1960. 225-бет.)
4. Алишер Навоий. “Хайрат-ул аброр”. VI том. Тошкент, 1965 йил. 267-бет.
5. Лирикада кичик жанрлар. Раҳмонул Орзибеков. Ҳ. Ҳулом нашриёти, Тошкент, 1976. 91-бет.
6. “Четверостишия – туюги Навои”. А. Н. Самойлович. – “Мусульманский мир”, вып. I. Пг. 1917. стр. 10-22.
7. “Туюг в тюркоязычной поэзии”(Формирование и развитие жанра). Багиров Акиф Зейнал оглы. ҚД. Ташкент, 1982.
8. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том, 179-бет.
9. Б. Валихўжаев. “Алишер Навоий ва унинг издошлари талҳинида туюҳ”. Адабий мерос. Тошкент, 1973 йил.148-151 бетлар.
10. “Ўзбек халҳининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб”, “Ҳизил Ўзбекистон” газетаси, 1942, 22 октябр.
11. А. Ҳайитметов. “Навоий лирикаси”. Тошкент, 1961 йил. 64-67 бетлар.